

**ЛАНДШАФТЛАРГА ГИДРОТЕХНИК ИНШООТЛАР ТАЬСИРИНИ  
ОПТИМАЛЛАШТИРИШ ОРКАЛИ ЭКОЛОГИК БАРКАРОРЛИКНИ  
ТАЬМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ. (КАШКАДАРЁ ВОХАСИ МИСОЛИДА)**

**IMPACT OF HYDROTECHNICAL STRUCTURES ON LANDSCAPES, RIVER  
OPTIMIZATION, ENVIRONMENTAL RESTORATION ISSUES OF SUPPLY (ON THE  
EXAMPLE OF KASHKADARIA)**

**ВЛИЯНИЕ ГИДРОТЕХНИЧЕСКИХ СООРУЖЕНИЙ НА ЛАНДШАФТЫ,  
ОПТИМИЗАЦИЯ РЕКИ, ЭКОЛОГИЧЕСКОЕ ВОССТАНОВЛЕНИЕ ВОПРОСЫ  
ПОДВОДА. (НА ПРИМЕРЕ КАШКАДАРЫ)**

**Юсупова К.И, Каҳрамонова Ирода, Куйсинмуроводов С.З.**

**Авалбоева Г.А, Облакулова Н.А**

*Самарканд давлат университети 2-боскич магистри ва*

*Самарканд давлат университети 2-боскич талабалари*

**Аннотация:** Ушбу маколада Кашкадарё вохасида курилган гидротехник иншоотларнинг атроф-мухитга таъсири натижасида юзага келган экологик муаммоларни илмий урганиш, тахлил килиш ва уни бартараф этиш юзасидан олиб борилаётган мелиоратев тадбирларнинг экологик баркарорликни таъминлашдаги ахамияти батафсил очиб берилган. Экологик баркарорликни таъминлаш борасида таклиф, тавсия ва мелиоратев курсатмалар берилган.

**Abstract:** In this article, the significance of the reclamation measures in ensuring ecological stability is revealed in detail in the scientific study, analysis and elimination of environmental problems caused by the hydrotechnical structures built in the Kashkadarya region. Suggestions, recommendations and reclamation instructions for ensuring ecological stability. given

**Аннотация:** В данной статье подробно раскрывается значение мелиоративных мероприятий в обеспечении экологической устойчивости при научном изучении, анализе и устранении экологических проблем, вызванных гидротехническими сооружениями, построенными в Кашкадарьинской области. Предложения, рекомендации и мелиоративные указания по обеспечению экологической устойчивости. данный

**Калит сузлар:** Гидротехник иншоотлар, мелиоратев тадбирлар, коллекторлар, канал, К.М.К, сувомборлар, сугориш системаси, агробиоценоз..

**Key words:** Hydrotechnical facilities, land reclamation activities, collectors, canal, K.M.K., reservoirs, irrigation system, agrobiocenosis..

**Ключевые слова:** Гидротехнические сооружения, мелиоративные мероприятия, коллекторы, канал, К.М.К., водохранилища, оросительная система, агробиоценоз.

Кашкадарё вохасида кадимдан кишлок хужалиги ривожланган булиб, вохада лалми дехкончилик юкори даражада тараккий этганлиги билан характерланади. Воханинг сув билан таъминланиш даражаси жуда паст булиб табиий сув захиралари билан таъминланиш холати 15-20% ни ташкил этади. Асосий табиий сув захиралари Кашкадарё ва унинг ирмоклари хамда Тупаландарё ва катор сойликлардан иборат.

Кейинги 50 йил давомида вохада сугорма дехкончилик имконияти мавжуд булган ерларни узлаштириш бошланади яни сугориш ишларини яхшилаш хамда кушимча сув билан таъминлаш максадида гидротехник иншоотлар барпо этилади. Натижада вохада 13та сув омборлари КМК (Карши магистрал канали) ва унинг сугориш тармоклари, каналлар, коллекторлар барпо этилиб сугориш иншоотлари баркарорлашди. Бу эса ўз навбатида воҳадаги сугорма дехкончиликни кескин ривожланишига пахта ва полиз еқинлари этишириш хамда ерлардан унумли фойдаланиш имкониятини очиб берди. Сугорма дехкончиликни ривожланиши воҳа геосистемаларига маълум даражасида таъсир этиб, табиий ландшафтлар ўрнида антропоген ландшафтлар хосил бўлишига сабаб бўлди. Сув ҳавзалари атрофидаги ландшафтлар ўзгариши натижасида ирригацион ландшафтларни шаклланишига олиб келди. Антропоген ландшафтлар шаклланиши табиий, социал-ижтимоий омиллар таъсир этган холда ердан фойдаланишни очиб бориши ахоли пунктларини купайиши, табиий муозанатни маълум даражада ўзгаришига олиб келиб, экологик мувозанатни бузилишига сабаб бўлди. Табиий мувозанатни бузилиши уларни ўрнида бошқариладиган анторопоген ландшафтларни шаклланишига олиб келди. [1] Воҳада қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар майдони 2856779 гектарни ташкил килган холда, шундан: жами ҳайдаладиган ерлар 672171 гектарни ташкил этади. Ҳайдалмайдиган ерларнинг қарийб 70% и яни 416987 гектари суғориладиган ерлардан иборат. Воҳа қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерларни қуйидаги жадвалда кўришимиз мумкин.

Воҳа қишлоқ хўжалик ерларини таксимланиши

Ер майдонлар	Ер майдони (га ҳисобида)
Умуимий майдони	2 856 799
Ҳайдаладиган ерлар жами ерлар	672 171
Шундан суғориладиган ерлар	416 987
Кўп йиллик дарахтзорлар	36 283
Яйлов ерлари	1 514 441
Жами қишлоқ хўжалик ерлари	2 456 565

Хозирги пайтда Қашқадарё вилоятидаги суғориладиган ерларнинг майдони 514,2 минг га ни ташкил этган холда асосан пахта майдонлари билан банд. Суғориладиган ерларда ландшафтларнинг антропоген ўзгаришида ландшафт компонентлари муайян изчилликда ўзгаради: биотик компонентлар (тупрок, гидрологик режим, иқлим, рельеф) хусусиятлари кескин ўзгаради. Шундай килиб, суғориладиган ерларда инсон ўзининг хўжалик фаолияти жараёнида ландшафтнинг барча компонентларини ўзгартиради. [3] Суғориладиган дехкончилик килинадиган худудлар ва ўзгаришлар содир бўладиган мезорелефнинг асосий хилларини аллювиал текисликлар, дарёларнинг водийлари, террасалари, дельталари, конуссимон ётқизиқлари ташкил топгани билан характерланади. Уларда агротехник тадъбирларнинг нотугри олиб борилиши экологик кескинликни жиддийлашувига сабаб булади. Мезорельефнинг шакллари, тог жинсларининг литологик таркиби ва ҳамда суғориш агротехникасига боғлик ҳолда ирригацион эрозия ёки ирригацион-аккумулятив микрорельеф шаклларини ажратиш мумкин. Суғориш тармоқларини қурилиши ва улардан фойдаланиш жараёнида ҳам ирригацион-аккумулятив рельефнинг ҳар хил турларини хосил бўлишига олиб келади. Еости сувларининг Суғориладиган ерларда гидрологик режими тубдан ўзгаради. Гидротехник иншоотларнингт барпо этилиши, фойдаланиш, суғориш жараёнида сизот сувлари сатҳининг кўтарилиши суғорилаётган ерларда ўзига хос ландшафтларнинг вужудга келишида

уларнинг табиий ва иқтисодий салоҳиятининг ошишида (ҳамда хўжалик нуқтаи назаридан айрим нохуш жараёнларнинг содир бўлиши кучайишидаги) бош омиллардан бири ҳисобланади. Суғориладиган ерларда реълеф, гидрогеологик ва ҳамда бошқа шароитларнинг ўзгариши тупроқ хосил қилувчи жараёнларнинг бузилишига ва натижада экологик холатни ҳам ўзгаришига олиб келади. Суғориш туфайли тупроқларнинг физиковий, кимёвий хоссалари ҳамда микропбиологик жараёнлар кечишининг жадаллиги, органик моддаларнинг емирилиши ва тўпланиши маълум экологик узгаришларни келтириб чикаради. Айникса минерал ўғитларнинг

қўлланиши бу жараённи тезлаштириди ва тупроқда ишқорийлик хусусиятлари ошиб кетишига сабаб бўлди. Суғориш табиатан мужассамлашган гидрологик вазиятни ўзгаришига ҳам олиб келади. Суғориш туфайли сизот сувларнинг сатҳининг кутарилиши шурланиш даражасининг ортиши содир бўлади. Бу еса ердан фойдаланишда узига хос кийинчиликларни келтириб чикарди Яни тупрок мелиоратев холати ёмонлашуви хосилдорликни кескин камайишига сабаб булмокда.

М.А.Панковнинг (1974) маълумотларига кўра Қарши чўлида сизот сувлар (минераллашув жараёнини ортиб бораётганлиги) сатхининг кутарилишини

йиллик тезлиги кадимдан сугориладиган ерларда 30-40 см, янгитдан сугорилаётган ерларда esa 1 метрни ташкил этади. Гидрогеологик жиҳатдан тупрок-

гурунт қатламида туз заҳиралари катта бўлган бўз тупроқлар сугориладиган ерларда сизот сувларнинг минераллашув даражаси 1-3 г/л дан (релефнинг қаварик жойларида) 5-25г/л гача (релефнинг ботик ерларида) этади.

[5] Сугориладиган ерларда табиий ўсимлик коплами кучли даражада ўзгаради. Тупрок ҳосил бўлишининг ўзгариши янги микрорельефнинг шаклланиши, янги ландшафтлар летоген асосининг ўзгариши ўсимликларнинг экологик шароитларини тубдан ўзгаришига олиб келади. Суформа дехқончилик

қилинадиган ҳудудларда табиий ҳудудларда табиий беоценозлар хамда агробеоценозлар, соҳил бўйи ўсимликлари, ихота дарахтлари ва бошқа ўсимликлар турлари билан алмашинади. Бевосита сугориладиган ерларда ва уларга яқин жойларда ҳайвонот оламининг дастлабки таркиби ва географияси ҳам ўзгаради. Сугориладиган жойларда яшайдиган ҳайвонларнинг ерларда паноҳгоҳлари юқотилади ва натижада ҳайвонларнинг бир кисми экологик шароитларнинг нокулайлашуви туфайли ҳалок бўлади, бошкалари эса шароитга мослашади ёки ўзлаштирилмаган жойларга миграция килади. Шундай қилиб, сугориладиган ерларда ландшафт компонентларининг ўзгариши натижасида улар орасида янги мутаносиблик вужудга келади, хусусиятларига кўра туб табиий ландшафтлардан фарқ қиласидиган айrim умумийлик сакланиб коладиган янги антропоген ландшафт агроирригацион ландшафт вужудга келади. [4] Қашқадарё воҳа агроирригацион ландшафтлар майдонининг кенгайишига монанд (пропорсионал) ҳолда мелиоратив ҳолатини яхшилашни талаб киласидиган ерлар майдони ҳам кенгайиб боради. Агроирригацион ерлардан фойдаланилиш жараёнида уларнинг айrim нохуш жараёнларга мойиллиги инобатга олинмаганлиги туфайли қишлоқ хўжалик ишлабчикаришига салбий таъсир кўрсатадиган қайта шўрланиш, ирригацион (сугориш) эррозияси, дефляция, суффозия жараёнлар таъсирида бўлган ерлар майдони ҳам йилдан йилга ортиб бормокда. Бундай хол агроирригация ландшафтларидан фойдаланишни оптималлаштириш мақсадларида бир қатор

мелиоратив тадбирларни ўтказиши такозо этади. Қашқадарё воҳасида сугориладиган ерлар майдонининг кенгайишига муносаб ҳолда қайта шўрланган ерлар майдони ҳам кенгая боради. Қашқадарё вилоятида сугориладиган ерлар майдони 154,9минг га бўлиб, шундан атиги 21,5 минг га майдонлар турли

даражада шурланган эди. Ҳозирги пайтда суғориладиган ерларнинг қарийиб ярми турли даражада шурланган. Агроирригацион ландшафтларнинг дегредациясида суғориш

эрзиясининг таъсири ҳам кучайиб бормокда. Суғориш эрозияси агроирригация ландшафтларида тупрок-сув ва агрономик-кимёвий хоссаларнинг ўзгаришига яъни ёмонлашувига олиб келмокда. Бу жараёнлар туфайли тупроклардаги чикинди, азот ва бошка озиқлантирувчи моддаларнинг микдори ҳам камайиб боради. Тупрокдаги моддаларнинг камайиши эса минерал ўғитлардан анча катта фойдаланиши тақозо етади. Воҳадаги сув иншоотларидан фойдаланишда гидротехник меёrlарга амал килиш сув омборлари фойдали иш коефициентини ошириш канал, коллекторларни реконструкция килиш яъни лой ариклар ўрнига бетонлашган каналлар барпо этиш экологик барқарорликка эришишнинг бош омили бўлиб ҳисобланади. Сув ресурсларидан самарали фойдаланиш қишлоқ хўжалик экинлар майдони сув Билан таъминлашда тежамкор усууллардан фойдаланиш иқтисодиётни янада ривожланишига олиб келади ва ландшафтларда экологик мувозанатни шаклланиши тамиnlайди. Юкорида курсатиб утилган экологик муаммоларни бартараф этиш, зарурий мелиоратев тадбирлар белгилаш муҳим ахамиятга эга булиб, экологик вазиятни согломлаштириш билан бирга худудга биологик хилма-хилликни таъминлаш пироварди натижасида экологик барқарорликни таъминлашнинг гаровидир.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Погенные ландшафты Средней Азии и вопросы экологии. Т. ТошФИ 2004
3. Абдуллаев С.И. Суформа деҳқончиликни геоэкологик муаммолари.
4. Назаров Х.Т., Эшқувватов Б.Б., Юсупова К.У. Қашқадарё воҳасидаги гидротехник иншоотларни атроф Мухитга таъсирини оптималлаштириш. // Ўзбекистон республикасининг жанубий худудида ресурслардан самарали фойдаланишнинг муаммао ечимлари. Илмий-амалий конференсия материаллари. Қарши 2016 й.
5. Пословская О.Ю. Естеотвенные ландшафты. // Природные ландшафты Ыаршинской степи. Т.: ФАН 1969 г.

Куйсинмуродов. Сирож Зоҳид угли Самарканд Давлат Университети 2-боскич талабаси . siroj kuysinmurodov@gmail.com.

Kuysinmurodov's son Siroj Zahid is a 2nd year student of Samarkand State University. sirojkuysinmurodov@gmail.com.

Сын Куйсинмуродова Сиродж Захид учится на 2 курсе Самарканского государственного университета. sirojkuysinmurodov@gmail.com.